

Я Н Г И П А Р В О З

КОСМОСДА ЯНА СОВЕТ КЕМАСИ—«СОЮЗ-4» ПАРВОЗ ЭТМОҚДА
САМО ЛОЧИННИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ ГРАЖДАНИ, КОСМОНАВТ УЧУВЧИ ПОДПОЛКОВНИК ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ ШАТАЛОВ БОШҚАРИБ БОРМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН * 15 январь 1969 йил, чоршанба * № 12 (14.175) * Баҳоса 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-4»

КОСМИК КЕМАСИ ОРБИТАГА ЧИҚАРИЛДИ

Бугун, 1969 йил 14 январда Москва вақти билан соат 10 дан 39 минут ўтганда «Союз-4» космик кемаси кучли учирувчи ракета ёрдамида Ернинг сунъий йўдоши орбитасига чиқарилди.

Космик кемани Совет Иттифоқи граждани, космонавт-учувчи подполковник Владимир Александрович ШАТАЛОВ бошқариб бормоқда.

«Союз-4» космик кемаси орбитасининг параметрлари мўлжаллаб қўйилганига яқин бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- Ер атрофини айланиб учиб даври — 88,25 минут;
- Ер сатҳидан энг кўп узоқлашуви (апогейда) — 225 километр;

Ер сатҳидан энг кам узоқлашуви (перигейда) — 173 километр;

Орбитанинг оғиши — 51 градус 40 минут.

«Союз-4» космик кемаси билан яқин томонлама пухта радио алоқаси ўрнатилган. Кема ичидан 20,008 мегагерц частотада маълумот берилиб туриляпти.

Космонавт-учувчи ўртоқ Владимир Александрович ШАТАЛОВнинг айтишига кўра ва телеметрия ўлчовлари маълумотларига қараганда, унинг аҳволи жуда яхши.

«Союз-4» кемасининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди ва босим билан ҳароратни белгиланган меъёрга сақламоқда.

Космонавт-учувчи ўртоқ Владимир Александрович ШАТАЛОВ парвоз программасини бажаришга киришди.



Космонавт учувчи Владимир Александрович ШАТАЛОВ.

Космонавт учувчи Владимир Александрович ШАТАЛОВнинг вестибуляр аппаратида машқ қилаётган пайти.

В. Чередицев фотолари. ТАСС-Этап.

УЛКАН ҚАДАМ

Совет фани ва техникаси фазоли ўрганиш соҳасида яна бир улкан қадам қўйди. Космонавт-учувчи подполковник В. А. ШАТАЛОВ ўз парвози билан шонли совет космонавти яна авлоди сафни янада бойитди ва улуглади. Космосга учибдек мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал этаётган алойиб совет олимлари, инженер ва конструкторлари, техник ва ишчиларига ҳар қанча офаринлар айтсак ҳам озлик қилади. Э. ЮСУПОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

КОСМОС БАҲОДИРИ

Москва радиоси дунёга яна бир янги хушхабар таратди. Фазода совет космонавт-учувчиси подполковник В. А. ШАТАЛОВ «Союз-4» кемасини бошқармоқда. Улуг доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига совет инженирлари, конструкторлари, техник ва ишчилари яна бир катта муваффақиятни амалга оширдилар. Барча совет ишчилари сизгари биз ҳам космос баҳодирига ўз программасини муваффақият-ли адо этиб, муқаддас ермига омон-эсон қайтиб тушишимизни тилаймиз. Х. ТУХТАСИНОВ, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа бўлганда Ўзбекистон жамиятининг референти. Б. СОДИҚОВ, Осий ва Африка мамлакатлари бирдамлик Ўзбекистон иттифоқининг маъсул секретари.

ЮКСАКЛАРНИ ҚУЧАВЕР!

«Союз-4» космик кемасининг алойиб парвози ва космонавт-учувчи Владимир ШАТАЛОВнинг жасорати биз солдатларнинг ҳам қўсминини тоғ, болшимизни осмон бериб қилди. Радио бу хушхабарни тарқатар экан, қалбимизни чексиз қувонч ва ифтихор ҳислари қамраб олди. Совет граждани, ватандошимизнинг бу юксак парвоздан фахрланмай бўладими! Совет фани ва техникасининг, олимларимиз ақлу заковатининг яна бир қарра намойиши бу. Қўлгум янги йилимизнинг янги зафарни бу. Совет фанининг янги галабаси мамлакатимиз қудратини янада мустақамлашга хизмат қилиши билан ҳам қувончлидир. Қўлларга тўш уриб юксакларни кучвер, фазогир оғамиз! Ерда омон-эсон кўришайлик. А. ГАНИЕВ, Н-қисм солдати.

ҚУВОНЧ

Биз бригадамизга биритилган суперфосфат омборининг янги янги вақтида темир-бетон ишларини бажарётган эдик. Қўшимча мусобақадон бригада қурувчиларининг биринчи қўл радиоси бор эди. Бир пайт бинокорларнинг «ура, ура!» деган овози эшитилди. Қўшимларимиздан бири югуриб келиб, қувончига бизни шерик қилди. — Эшитдингларми? Космосга яна бизникилар учибди. Оти Владимир ШАТАЛОВ экан!... Қурилиш объектда меҳнат қилаётган бутун бинокорлар қалбини фахр ва қувонч ағаллади. Яна зўр гайрат, шижоат билан ишга киришиб кетдик... И. БОЛТАБОВЕВ, Олжик хижия заводи қурувчиси, илгор бетончи.

«СОЮЗ-4» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ЎРТОҚ В. А. ШАТАЛОВНИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Ўртоқим ва дўстим Георгий Тимофеевич Береговой «Союз-3» космик кемасида тўрт неча-кунду парвоз қилганидан бери ордан икки ой ўтди. Менга алойиб «Союз» кемасини синиши давом эттиришдек юксак ишнинг билдирилди. Мен Ватанимиз фахрини тоширишни бажаришга тайёрман. Олс фазога сафар қила туриб

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини ишонтириб айтмакчи, бутун кучим ва билгимни ўз олдига қўйилган вазифаларини бажаришга сарфлайман. Хайр, азиз дўстлар! Жонажон ерда тез орада дийдор кўришгунча хайр! (ТАСС).

Подполковник Владимир Александрович ШАТАЛОВ

Владимир Александрович ШАТАЛОВ 1927 йил 8 декабрда Шимолӣ Қозғонистон области-нинг Петропавловск шаҳрида туғилди. Унинг ёшлиги Ленинградда ўтди. Владимир ёшлик чоғиданоқ авиацияга қизиқди. Ҳарбий ҳаво кучлари махсус мактабининг, учувчиларга бошланғич таълим берувчи мактабин тамомлади ва 1945 йилда Качинскдаги учувчилар тайёрловчи Ҳарбий авиация билим юртига курсант қилиб қабул этилди. Владимир Александрович балим юртини битириб чиқарч, инструктор учувчи бўлиб ишлайди. 1953 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кириди. Шу йили у, Қизил Байроқли Ҳарбий ҳаво академиясига ўқишга кириб, ун 1956 йилда муваффақиятли тамомлайди. В. А. ШАТАЛОВ академияни тамомлаб чиққандан кейин Совет Армиясининг авиация

қисмларида командирлик лавозимларида хизмат қилди. 1963 йил январда Владимир Александрович космонавтлар отрядига қабул қилинди. «Союз-3» космик кемаси учурилатган вақтда ШАТАЛОВ Георгий Тимофеевич Береговийнинг дублери эди. Владимир Александрович уйланган. Унинг рафиқаси — Муза Андреевна СССР Қиллоқ хўжалиги мианстрилигида ишлайди, қишлоқ хўжалик фанлари кандидата. ШАТАЛОВларнинг яқин фарзанди бор: Игорь ўзинчи синф ўқувчиси; Елена оса тўртинчи синфда ўқийди. Космонавтининг онаси Зоя Владимировна ва отаси Александр Борисович ҳозирги вақтда пенсияерлардир. Унинг отаси аввал темир йўл ходими бўлган; 1943 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. (ТАСС).



ТАСС ахбороти

«СОЮЗ-4» КОСМИК КЕМАСИ ОРБИТАДА

«Союз-4» космик кемаси ўз парвозини давом эттирмоқда. Орбитага чиқариш ва орбита бўйлаб парвоз қилиш жараёнида космонавт подполковник Владимир Александрович ШАТАЛОВ билан радио орқали пухта алоқа қилиб турилди. Космонавт-учувчи кемани чиқариш участкасиндан яқин ўтганлигини, кемадаги системалар нормал ишлаб турганини хабар қилди.

Космонавт орбита парвозининг программасини бажаришга киришди. У космик кемани ўз қўли билан қўйишга нисбатан тўғрилаб борди.

Ўртоқ Владимир Александрович ШАТАЛОВнинг аҳволи жуда яхши.

Космонавтининг маълумотларига ва телеметрия ўлчов маълумотларига қараганда, кема ичидаги барча системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтининг аҳволи ва унинг ҳаракатлари телевидение орқали кузатиб бориламоқда.

Кемадан ерга берилган суратларнинг сифати яхши.

Учирувчи ракета билан «Союз-4» космик кемасининг старта янқасини телевидение орқали кўрсатилади.

«Союз-4» космик кемасининг парвози давсн эмиқда.

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ «СОЮЗ-4» ҲАҚИДА

БЕРЛИН, 14 январь. (ТАСС). АДН агентлиги подполковник В. А. ШАТАЛОВ бошқарётган Ернинг сунъий йўдоши «Союз-4» совет космик кемаси орбитага чиқарилганини тўғрисидаги хабарни «молия» деган белги билан тарқатди. Хабарларда космонавтининг аҳволи жуда яхши эканлиги таъкидланади. Германия Демократик Республикасининг радиоси ва телевидениеси Совет Иттифоқининг космосдаги янги тажрибаси тўғрисидаги хабарни эшиттирди.

ПРАГА, 14 январь. (ТАСС). Чехослования радиоси «Союз-4» совет космик кемасининг учурилганини тўғрисидаги хабарни қўзғиб куннинг энг муҳим янги хабарни сифатида эшиттирди. Чехослования Социалистик Республикасининг радиостанциялари «Союз-4» орбитасининг параметрларини, парвоз программасининг қандай бажарилаётганини тўғрисидаги дастлабки хабарларни эшиттирдилар, космонавт-учувчи

В. А. ШАТАЛОВнинг тарихиман ҳоли билан таништирдилар. НЬЮ-ЙОРК, 14 январь. (ТАСС). Америкадаги ва ЮПИ информация агентликлари подполковник В. А. ШАТАЛОВ бошқариб бораётган «Союз-4» космик кемасининг учурилганини тўғрисидаги хабарларни «шошқин» ва «молия» деган белгилар билан тарқатди. АП агентлиги совет космик программаси изчиллиги билан бақарилаётганини таъкидлайди ва космонавт-учувчи Г. Т. Береговийнинг парвозидан кейин уч ой ўт-

масданоқ «Союз-4» кемаси учурилганини уқитиб ўтди. ЮПИ агентлигининг муҳбири Москва телевидениесининг шу парвозга бағишланган эшиттириш тўғрисида Москвадан юборган телеграммасида кемани орбитага чиқарган ракетани «жуда катта ракета» деб атади. БЕЛГРАД, 14 январь. (ТАСС). Совет Иттифонда «Союз» сериясидаги тўртинчи космик кема учурилди. Кемани подполковник В. А. ШАТАЛОВ бошқариб бормоқда. «Союз-4» совет космик кема-

си Ер орбитасига чиқарилганини маълум бўлиши биланоқ, Тамбог агентлиги шу хабарни тарқатди. Югославия радиоси ҳам «Союз-4» кемасининг учурилдиши тўғрисида қиссача хабар эшиттирди. ПАРИЖ, 14 январь. (ТАСС). Франс пресс агентлиги Совет Иттифонда космонавт-учувчи В. А. ШАТАЛОВ бошқариб бораётган «Союз-4» янги космик кемаси учурилганини тўғрисидаги шошқин хабарни тарқатди. ТАССнинг космосда ўтказилган янги

тажриба тўғрисидаги хабарини баён қилиб, агентлик космик кема орбитасининг параметрларини кўрсатди ва совет космонавтининг аҳволи жуда яхши эканлигини таъкидлади. Кемани газеталар чиқишига қардар французлар «Союз-4» кемасининг парвози тўғрисидаги хабарини Франция радиосининг эшиттиришларидан билиб олдилар. Франция радиоси бу хабарни сунгги ахборот программасида эшиттирди.

Чорвачиликдан фойда кўраётган хўжаликлар тажрибасидан

ХАЖИ

Янгида область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи У. Сатторов билан чорвачилик масаласида суҳбатлашиб ўтир...

Шундан кейин «Оқ олтин» колхозига бордим, Раис Абдухамид ва Эгамбердиев чорвачилик қайси йўл билан фойда келтирадиган тармоққа айлантирилганини ҳикоя қилаиб берди...

Раис чорвачиликни доир ички йиллик ҳисоботида кўрсатишга эришди. 1967 йили колхоз бир центнер сут еттиштириш учун...

Энди чорвачилик маҳсулотлари еттиштиришга келсак, қолхоз бўрдоқига мол боқиб ҳисобига давлатга ғушт сотиш пиланини ҳар йили баҳордаёқ бажариб қўймоқда...

Раис чорвачилигининг тақдирини хал қиладиган нарсаси эмас, шунинг учун ҳам ел-ҳашокини қўлайтириш учун ҳаракат қиламиз, деди.

Унинг гапига жон бор. Қолхоз бўлтур силос учун экилган мажмуҳдордан қўшин қолхозлардаги қарағанда икки-икки ярм баравар кўп ҳосил олади...

«Оқ олтин» колхозига кейинги йилларда сугирларнинг зоти янча яхшиланди. Жайдори сугирларнинг кўпчилиги «Олатов» зотли сугирлар билан алмаштирилди...

Яна бир янгилик. Бу хўжаликда қурқа ғушти еттиштириш ҳам йўлга қўйилган. 1967 йили паррандичилик фабрикасидан икки миң қурқа жуғаси келтирилган экан...

Тўри фикр. КПСС Марказий Комитетининг октябр Пленумида Урқо Л. И. Брежнев ўз докладыда бу масалага тўхтади...

Агар шундай қилинса, кўпчилик хўжаликларида ҳадисиз ҳисоб-сиз ҳезима бўлган чорвачилигини фойда келтирадиган тармоққа айлантиришни янада тезлаштириш имкони вуҷудга келган бўларди.

М. МАНСУРОВ, «Совет Ўзбекистони» муҳбири.



Унда ёшлик ва шодликни, назокат ва нафислигини, ғузалик ва шўхлигини мумассас этган машҳур «Баҳор» ансамблининг кўрғани, эшитилган ва билмаганлар бўй десак муволага бўлмас...

Республикада хизмат кўрсатган ўзбек давлат «Баҳор» раис ансамбли тез-тез янги концерт программалари билан гастроль-сафарда бўлиб туради...

Г. Пун фотоси (УзТАГ фотохроникаси).

Фан ва техника янгиликлари

Тутуннинг фойдаси

Кейинги вақтларда олимларимиз чиқинди газларини зарарсизлаштириш, ҳатто ундан фойдаланиш усулларини топишга ийришдилар...

ҳавонини ифлослаштиришга ҳатийа беради. Бундан ташқари полимер ва пластмассалар ишлаб чиқариш жарамида ишлаб чиқарилган ҳар хил машина ва асбоблар галлондовороод газини таъсиринда чиришдан ҳам сақлашни мумкин.

15-20 соат олдин...

Республикамиз геофизикалари ер силнишинини олдиндан аниқлашни янги усулнинг топишди. Энг олдин газлардан бўлиш радиоактив радон деган газ ер юзига яқин равишда юқорида кўтарилади...

Қоракўлимиз додруғи

Ўзбекистонда еттиштирилган қоракўл териларининг додруғи бутун мажонга нетганини ҳаммага маълум. Айниқса, Бухоронинг сур ва қамбар терилари жуда машҳур...

Арзон ва мўл ҳосил

Агроном Х. Мухаммадновнинг бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар Гулистон районининг «Социализм» совхозида чигитнинг тўла ва тенги униб чиқишини ва яғнини қисқа муддатда ўтказиш усулини ишлаб чиқиш борасида тажриба ўтказдилар...

Утказилган бу тажрибалар қуйидаги хулосаларни чиқарди: иккидан берди: сараланган тунис чигити унги маълум миқдорда эрилса, у тез униб чиқар экан. Бундан ташқари, яғнини қисқа вақт ичида тугаллаштиришга олиқ йилар экан. Айни пайтда терини вақтигача ғуза чўп-чўп қилинишни сақлашни, қанчалардаги пахта тула очилади, бу эса ҳосилни оширади.

ЎЗБЕК ЙИГИТИ ШАРАФИГА

Эш Холмат исми бор Тошкентта келганда кўча тахтачаларига ёпиштирилган афишалардаги расмларда буюмнинг бир қисмининг оғир тошларини осолани билан ириштириб ўйнаётганини кўриб қайриб қўлади...

Шу-шу бўлди-ю. Холмат паҳлавон бўлиш ораусидан қайтиб, Марғола шаҳар «Спартак» спорт жамаати қосидаги бонс совмасида қатнаша бошлади. Бу ерда у ўша вақтдаги машҳур бонсчи, спорт мастери Геннадий Шевцов кўл остида бонс «Спартак»нинг алим-физикаси урганди. Орадан икки ой ўтгач, Холмат ҳарбий хизматга чакрилди...

Шу-шу бўлди-ю. Холмат паҳлавон бўлиш ораусидан қайтиб, Марғола шаҳар «Спартак» спорт жамаати қосидаги бонс совмасида қатнаша бошлади. Бу ерда у ўша вақтдаги машҳур бонсчи, спорт мастери Геннадий Шевцов кўл остида бонс «Спартак»нинг алим-физикаси урганди. Орадан икки ой ўтгач, Холмат ҳарбий хизматга чакрилди...

Спортчиларимиз қолдузалари

Гизини синаб кўрасиз, деб уни ҳижолатдан қутқаргани раис...

Армия хизматини ўтаб бўлгач, у 1963 йили Фарғонага қайтиб келиб педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқиш бошлади...

Тошқент чинни буюмлар заводига янги конвейер фойдаланишга топширилди. Конвейердан ҳар сменада 8-9 миң чинни буюм тайёрлаб чиқарилади...

Ташқаб ва онининг ўсиши натижасида, табиий янги сўзларга ҳам талаб турганлиги. Бир тилининг лугат тасаввири, сўз бойлиги ички хил йўл билан кенгайиб боради...

Муҳоран ҳар қўшлик кун, баҳорда Ўзбекистонини, Мудом кучан зафарлар бебаҳодир, Ўзбекистонини. Табиат рашиқ этиб найраган беба йўл тўсди, гов бўлди...

Тошқент чинни буюмлар заводига янги конвейер фойдаланишга топширилди. Конвейердан ҳар сменада 8-9 миң чинни буюм тайёрлаб чиқарилади...

А. Тўраев фотоси.



МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФЛАР ИНТЕРНАЦИОНАЛ СЎЗЛАР

Хўжаликнинг тақдирини боғиладиган, натижада унинг тилини ҳам боғиладиган: янги сўзлар, янги нутқ тўзлашлари ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бошқа тилдан сўз олиш ҳаётдаги зарурат, талаб натижасида бўлади...

ХУШВАҚТ-ПЕШКАДАМ

Эркин Қарихон 1967 йилининг янги яхши спортчиласи, Ўзбекистон Республикаси лауреати бўлган экан. Шундан кейинги маҳорати бу йил ҳам юқори баҳолади. Эркин Ўзбекистоннинг 10 та энг яхши спортчилари рўйхатида иккинчи ўринни олди...

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Муҳоран ҳар қўшлик кун, баҳорда Ўзбекистонини, Мудом кучан зафарлар бебаҳодир, Ўзбекистонини. Табиат рашиқ этиб найраган беба йўл тўсди, гов бўлди...

Я Н Г И Ф А З А Л А Р

Ҳанида қайда бир вайрона бўлса қилгани обод, Дилинда гайрату меҳнатга ҳозир, Ўзбекистонини. Ҳабибия, шод эрурман бу шарафли мўжидани ағлал, Бошинда парда гамхўру ноир, Ўзбекистонини.

Шаҳар темасида

ҚОР ЧЕККИНМОҚДА

Тусатдан ёққан қор, қаттиқ совуқ кунларнинг анча шовириб кўйди, транспорт қатновини графиндан чиқарди. Буларнинг ҳаммаси вақтинча эди. Чунки, пойтахт аҳолиси бирдамлик билан қалин ёққан қорга қарши курашга отланди, транспорт хизматчилари қўлларидан налганча шаҳар аҳолисини норхоналарга, ўз манзилларига сал кичик бўлса ҳам етиштиришга қў-

ларидан налган қаранатни қилишди. «Совет Ўзбекистони» мухбири Тошкент шаҳар иқроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи нинг ўринбосари Зинаида Васильевна ФЕДОРОВАга мурожаат қилиб ҳозирги кунда шаҳарнинг аҳолини сўзлаб беришни илтимос қилди. Ўртоқ Э. В. Федорова куйдагиларни гапириб берди:

— Қалин ёққан қорга қарши шаҳар аҳолиси бутун кучи билан курашди, десан муболага бўлмади. Ахир бир кун—ўтган йилдан келиб қор кунда 142 машина қор ташиди, 20 бульдозер ишлади, 6 «Белорус» трактори жалон уриб турди, 2 та кум сочувчи машина кўчаларга кум сепади. Машиналар шаҳардан 735 тонна қорни ташқарига чиқариб ташладилар. «Глав-

ашкентстрой»нинг механизми бошқармаси, Автомобиль ва тош йўллар министрлиги, Тошкент шаҳар кўриллиш трестини машиналар ажратганлигини эъроникчи билан айтиб ўтиш лозим.

Қор чеккилипти, транспорт қатнови изга тушиб борапти... Суратда: шаҳар территориясини қордан тозалаш пайти. А. Турраев фотоси.



ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ҲУКУМАТНИ ТУЗИШ ПАЙСАЛГА СОЛИНМОҚДА

БАЙРУТ, 14 январь. (ТАСС). Ливандаги ҳукумат тўғрисидаги ҳақиқат ҳақиқат бўлди. Президент Хелу Яфи ҳукумати истефода бўлганидан кейин, янги ҳукумат тузишни демократик парламент фронтининг раҳбари Рашид Карамега 8 январь кунини топширган эди. Рашид Карамега етакчи парламент блокларининг ва сиёсий партияларнинг вакиллари билан бўлажак ҳукуматнинг состави тўғрисида кетма-кет маслаҳатлар ўтказмоқда.

МЕХНАТКАШЛАР ГАЙРАТИ

ХАНОН. Вьетнам Демократик Республикасининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари қизғин ишга киришди. Ҳозирги вақтда шолчи экинларида. Шолчи экинларнинг 30 процентига шол экинлиги бўлди. Вьетнам Демократик Республикасининг жанубий вилоятларида бутун майдоннинг ярмига, Хатинь ва Куангбинь вилоятларида эса қариб ҳаммасига шол экинлиги бўлди. Бу вилоятлардаги деҳқонлар жуда оғир шароитда, Америка авиациясининг ҳужумларидан кейин шол экинга мажбур бўлдилар. Бомба ташлашнинг оқибатида пайдо бўлган жуда кўп чуқурлар текирилиб, экин майдонлари кенгайтирилди. Хатинь вилоятининг бир ўзидagina экин майдони 2 минг гектар кўпайтирилди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

САВОДСИЗЛИК ТУГАТИЛАДИ

ГАВАНА. Гаваиа вилоятининг катта ёшдаги аҳолисининг 84 мингга яқин киши 1968 йилда ишчи-деҳқон таълими мактабини тамомлаб чиқди. Ишчи-деҳқон таълими мактаблари Кубада революциядан кейин ташкил қилина бошланди. Садовсизликка қарши кураш нампанияси тугалланганлиги натижаида бир йил ичидagina 700 мингдан ортиқ киши ўқиш ва ёзишни ўрганди. Шундан кейин «6 синфни тамомлаш учун» — бошланғич мактабнинг тулиқ курсини ўтиш учун кураш бошланди. Мамлакатнинг ҳамма қисмида мактаб-курслар очилди. Неча юз минглаб ишчилар ва деҳқонлар бу мактаб-курсларга кириб ўқидилар. Уларнинг кўплари мактаб-курсларни тамомлаб чиқдилар, 20 мингга яқин киши эса қишлоқ хўжалик

қўлайтиришга анча ёрдам берди. Корхонани реконструкция қилишнинг биринчи босқичидан кейин йилга тахминан 85 минг дивигель ишлаб чиқарилади.

МОНГОЛИЯ САНОАТИНИНГ МУВАФАҚИЯТЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиянинг саноатни юксалтиришдаги бундан ривожланишига қўйиб, янги ичида Монголия экономикасининг ана шу янги соҳасига сарфлаган капитал маблағ миқдори маълум қилинди. 26 процентини ташкил этди. Шу билан бирга, ана шу маблағларнинг 80 проценти янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилишга сарфланди.

«ҚИЗНА ЗАСТАВА» МАРКАЛИ АВТОМОБИЛЛАР

БЕЛГРАД. Крагуевацадаги «Қизна Застава» автомобиль заводи Югославия энергетика саноати жуда тез суръатлар билан ривожланишда. Утган икки йил мобайнида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 23 процент бўлди. 1970 йилда саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан учдан бир қисми миқдорда кўпаяди. (ТАСС).

ПАРИЖДАГИ УЧРАШУВ

ПАРИЖ, 13 январь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг Париждаги делегацияси бошчилигини ўринбосари Ха Ван Лау АҚШ делегацияси бошчилигини ўринбосари С. Вэнс билан урашди. Вьетнам Демократик Республикасининг делегацияси шу учрашув тўғрисида бир ерда тарқатган ахборотда айтилишича, Ха Ван Лау икки томонлама кенгаш ўтказиш тўғрисидаги ўзининг бемаъни нукта назарига ўқарлик билан ёпишиб олган АҚШ ва Сайгон маъмуриятининг наяранглигини фойда қилиб ташлади.

КАНАДАДА ҚИММАТЧИЛИК

ОТТАВА, 13 январь. (ТАСС). Канадада қимматчилик тобора кучаймоқда. Канада статистика бюросининг маълумотларига қараганда чакана нархлар 1968 йилда 4,2 процент кўтарилди. Газеталар, кейинги 18 йил ичида чакана нархлар бу қадар кўп ошмаган эди, деб эзо-моқда.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.25 — Концерт, 9.30 — Фортпьяно пьесалари, 9.50 — «Крилово жамона» (тоникча), 10.10 — Рус ҳаёли кўшиқлари, 11.15 — «Озолиқ учун курашчилар», 11.25 — Хор кўшиқлари, 12.45 — Куйлар, 13.30 — Эстрада концерти, 16.10 — Гоар Гаспарин куйлади, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — «Б. Брэхт театри» (русча), 18.00 — В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «Шушников кишлоғида» (очери), 18.10 — Хореография поэма, 18.40 — Спорт, 20.00 — Индустриалашган Ўзбекистон» (радиожурнал), 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун), 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнатчилари учун), 22.20 — Кўшиқлар, 22.40 — Шерият нечаси, 23.15 — Муңимий лирикаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА 17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Телеянгилчилар (рус тилида). Ўзбек тилида: 18.10 — «Дўстлик поезд» сафарда («Шилко» студияси), 18.40 — Демократик революцияда социал демократларнинг икки таъиниси, 19.00 — Рақсини ўрганиш, 19.40 — Телеянгилчилар, 19.55 — Кўрсатишлар программаси, 20.00 дан — Москва кўрсатиши. ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ 17.55 — Кўрсатишлар программаси. Рус тилида: 18.00 — Биз мақоми кўрагимиз (киношарҳитириш), 18.30 — СССР ва ГДР ҳамкорлиги. Синистин мадониаси тарихи, 19.10 — Композитор В. Махроусов туғилган кунининг 50 йиллиги олдидан. Ўзбек тилида: 20.00 — Сув ишоотининг негр программаси, 20.30 — Исхон Катаев куйлайди, 21.10 — В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти саҳифалари. Қозон шаҳридаги йиллар, 21.25 — Шимол камалаги (бадий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА Рус тилида: 20.00 — Чапка (телеспектакль), 22.15 — Чолпу куйлари.

ТЕАТР ХАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 151 да Бой ила хизматчи, 161 да Айночларим. МУҚИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 151 да Гаҳари шамчирок, 161 да Раҳман ва Зулхумор.

КИНО Ана-уна Карамазовлар — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун). Сангам (1 ва 2-серия) — НАВОНИ номли (Ўзбек тилида), «ВОСТОК», «МОСНИВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун). Қилич ва қаллон (3 ва 4-серия) — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун). Бу шундай бошланган эди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

«ТАШКЕНТАБЕЛЬ» ЗАВОДИ Чет эл ва Иттифоқда чиқариладиган IV ва V ундан юқори нуқтадаги КАБЕЛЬ ИДИШЛАРИ (галталарни) ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Ҳамма ташкилот ва корхоналардан идишларни топшириш суралади. Идишлар ҳар кун қабул қилинади. Редактор М. ҚОРИЕВ.

Кескинлик кучайиб бормоқда

ҚОҲИРА. Иордания билан ўттих тўқнашнинг кичикдаги кескинлик кучайиб бораётганлигини кўп газеталар ташвишлик ёзмоқда. Масалан, Қоҳирада чиқадиган энг катта «Алахомма» газетаси Исроил кўшиқлари Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмига қўйиб тўпнаётганлигини хабар қилиб, Қоҳирага келатган маълумотлар Исроилнинг Иорданияга қарши «кенг қўламада ҳарбий операция ўтказмоқчи эканлигидан далолат беради», деб таъкидлаб ёзди. Шалестинликларнинг «Алфаток» ташкилоти Аммонда эълон қилган ахборотда шу операциядан кузатилаган мақсад Иорданияда жойлаштирилган Ироқ кўшиқларига ва Шалестин партизанларининг базаларига зарба бериш эканлиги аниқлашган айтиб берилган. Шу муносабат билан Франс пресс агентлиги мухбирининг Исроил мудофза министри Моше Дая билан бош штаб бошлиғи Барлевнинг «фронт қисиларини текшириш» мақсадида сафар қилганини тўғрисидаги хабарни эътиборини жалб қилди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Устина-Лабешаҳрида янги уй-жой райони вужудга келди. Бу ерда 5 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги асосан қимб заводаларнинг ишчиларидир. ЧТК—ТАСС фотоси.

ҚАРДОШЛИК ВАЗИЯТИДА

ВАРШАВА, 13 январь. (ТАСС). Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари М. Рейман бошчилигидаги Германия Коммунистик партияси делегацияси 9-12 январда Польшада бўлди. Польша матбуот агентлиги хабар беради: Германия Коммунистик партиясининг делегацияси Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари В. Гомулка билан музокаралар олиб борди. Қардошлик вазиютида ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала партия сивбатининг проблемалари тўғрисида ўзаро ахборот берилди, Шунингдек халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳамда халқаро аҳолининг ақтуал проблемалари юзасидан, хусусан Европа проблемалари юзасидан фикрлашиб олинди. Музокараларнинг қатнашчилари Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг урушдан кейинги аҳолини ўзгартиришга ва Европадаги чегараларни қайтадан кўриб чиқишга қаратилган ревалюционлик ҳамда милитаристик сивбатия Европадаги кескинликни кучайтиратган асосий омиллар, деб таъкидладилар.

Польша матбуот агентлигининг хабарига бундай дейилади: Польша Бирлашган Ишчи партияси ва Германия Коммунистик партияси Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Янги Шарк сивбатия, деб аталган сивбатига баҳо беришда тамомлаб бир хил фикрларни изҳор қилдилар. Ана шу сивбатдан кузатилаган асосий мақсад — Германия масаласида социалистик давлатларнинг бирлигига раҳна солишдан ва Германия Демократик Республикасини аяқлаб қўйишга интилишдан мборот. Музокаралар вақтида таъкидлаб ўтилгандек тарихда биринчи тинчликсевар герман давлати— социализм кўраётган Германия Демократик Республикасининг вужудга келганлиги Европада хафсизлик ва тинчликни таъминлаш учун гост муҳими аҳамиятга эгадир. Ҳар иккала партиянинг раҳбарлари музокаралар давомида куйдагиларни кўрсатиб ўдилар: ҳозирги вақтда халқаро аҳоли империалистик кучларон агрессивлигининг кучайганлиги билан характерленеди. Империализм умумий тинчлик ҳамда халқлар озолиқига таҳдид қилётган асосий хафвдир. АҚШнинг кўп йиллардан буён Вьетнамда олиб бораётган жиноий уруш ва

Исроилнинг Янги Шаркдаги агрессив ҳаракатлари бунга яққол мисоб этувчи далildir. Польша Бирлашган Ишчи партияси ва Германия Коммунистик партияси Германия Коммунистик партияси Вьетнам халқининг ва араб мамлакатлари халқининг ҳақдорлигини астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари яна бир марта изҳор қилдилар. Ҳар иккала партия, деб таъкидлаб ўтилди ахборотда, жаҳон реакцииси ва империализм кучларига қарши муваффақиятлар кураш олиб бормоқ учун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг шу йил Москвада ўтказиладиган халқаро кенгаши шу мақсадга қизилди. Ҳар иккала партия бу кенгашга тайёргарлик кўришда актив қатнашмоқда. Музокаралар тўғрисидаги ахборотда музокаралар билан масалаларда ҳар иккала партиянинг қарашлари тамомлаб бир хил эканлиги уқтириб ўтилди ва бу музокаралар Польша Бирлашган Ишчи партияси билан Германия Коммунистик партияси ўртасидаги бирдамлик ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, дейилади.